

Хоразм вилоят бошқармаси биносида илк бор сайёр суд ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 238-сон қарорининг ижроси бўйича Агентликнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 146¹-моддасида (ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича қонунда белгиланган мажбуриятини бажармаслиги), 165-моддасида (фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш), 176³-моддасида (автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш), 176³-моддасида (таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга, ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқармасликка доир талабларни бузиш), 198-моддасида (ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш) назарда тутилган автомобилларда ташувлар соҳасида ҳуқуқбузилишлар тўғрисидаги баённомалар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси инспекторлари томонидан расмийлаштирилиши бошланган эди.

2017 йил 3 август куни Агентликнинг Хоразм вилоят бошқармасида Урганч шаҳрида йўловчи ташиш фаолиятини лицензия олмасдан ноқонуний равишда шуғулланган ҳайдовчиларга маъмурий чоралар кўриш мақсадида илк бор сайёр суд ўтказилди.

Мазкур сайёр судда Урганч шаҳар маъмурий суд раиси Ғ.Худайбергенов ва Агентликнинг Хоразм вилоят бошқармаси ходимлари иштирок этдилар.

Сайёр суд натижасида, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 176³-моддасида (автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш), назарда тутилган тартибда 13 нафар фуқарога нисбатан жами энг кам ойлик иш ҳақининг 140 баробари миқдорида жарима жазолари қўлланилди.

Ҳуқуқбузар ҳайдовчилар ўз вақтида лицензиясиз автотранспортларда йўловчи ташиганлиги учун пушаймонлигини билдириб, бўлиб ўтган сайёр суддан ўзига тегишли хулоса чиқарганлигини ҳамда тез фурсатларда, йўловчи ташиш фаолияти учун лицензия олиб, ҳаракатни қонунийлаштириб давлат олдидаги мажбуриятларини бажаришга сўз бердилар.

Агентликнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан вилоятда автотранспорт соҳасини янада ривожлантириш, йўловчиларга хавфсиз ва қулай автотранспорт хизматини кўрсатиш ҳамда ноқонуний йўловчи ташиш фаолиятига чек қўйиш мақсадидаги саъйи ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати